

КОМПАНИЯЛАРДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хусанова Дилором Шавкатовна

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик
тадқиқотлар институти докторант PhD.,

Аннотация: Мақола рақамли иқтисодиёт шароитида компанияларда молиявий барқарорликни таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланишининг имкониятлари ҳақида ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, молиявий барқарорлик, рақамли технологиилар, корпоратив бошқарув.

Abstract: The article describes the possibilities of using digital technologies to ensure financial stability in companies in the context of the digital economy.

Key words: digital economy, financial stability, digital technologies, corporate governance.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини жадаллаштиришнинг долзарб масалаларидан бири давлат органлари, компаниялар, корхона ва ташкилотларга, бизнес фаолиятнинг барча соҳаларига «рақамли иқтисодиёт», замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва улардан кенг фойдаланиш ҳисобланади. Шу мақсадда, охирги йилларда давлат раҳбари ва хукуматнинг бир қатор қарорлари асосида малакатимизда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар белгиланди ҳамда уни жорий

етиш ва ривожлантириш соҳасидаги ваколатли давлат органи тайинланди²⁸.


Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли қарори асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури²⁹ қабул қилиниб, унда республикада рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизимининг яхлитлиги ва барқарор фаолиятини ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирлар белгиланди. Шу ўринда, рақамли иқтисодиёт шароитида компанияларда молиявий барқарорликни таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланишининг қандай имкониятлари мавжудлиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Ҳозирги пайтда дунёning кўпгина компанияларида молиявий барқарорликни таъминлашда рақамли технологиялар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Охирги пайтларда компанияларда молиявий барқарорликни таъминлашга ҳамда корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга ёрдам берадиган амалий бизнес-дастурлар нафақат кенг фойдаланиб келинмоқда, балки амалий бизнес-дастурлардан фойдаланиш жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳалардан бирига айланган.

Жаҳон амалиётида компанияларда молиявий барқарорликни таъминлаш ва корпоратив бошқаришда замонавий рақамли технологияларидан фойдаланишда

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июндаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси (www.lex.uz)

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси (www.lex.uz)

учта асосий соҳа ажратилади: 1) стратегик менежмент; 2) ички назорат тизимини бошқариш; 3) акциядорлар (инвесторлар, манфаатдорлар томонлар) билан ўзаро муносабатларни бошқариш (shareholder/investor/stakeholder relations management).³⁰



1.6 - расм. Компанияларда молиявий барқарорликни тъминлаш ва корпоратив бошқаришда замонавий рақамли технологияларидан фойдаланишдаги соҳалар

Компания стратегиясини амалга ошириш жараёнида директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) нинг ижроия органи билан ҳамкорлиги, ижроия органининг ички назорат тизимини бошқариш бўйича ўз вазифаларини бажаришлари, компаниянинг акциядорлар ва бошка манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларини рақамли технологиялар ёрдамида самарали тъминлаш мумкин. Компания стратегиясини бошқаришда директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ва ижроия органи аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳисбот кўринишидаги ахборотлар билан ўзаро алмашинувлар мухим аҳамиятга эга. Бу ерда компаниянинг ҳозирги ҳолати ва фаолияти тўғрисидаги объектив ҳамда бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳисботларни

³⁰ Грачева М. Корпоративное управление – роль информационных технологий. // Журнал “Управление компаний”. – Москва, 2004. - №10

шакллантиришни ҳамда уларни компаниянинг раҳбарлари томонидан доимий равиша олиб туришларини корпоратив ИТ-тизими таъминлайди. Бундай тизимларга рискни бошқариш тизими, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, корпоратив конунчилик талабларига риоя килиш тизимлари (комплаэнс тизимлар) ни киритиш мумкин. Рискни бошқариш ИТ-тизимлари кўпинча инновацион фаолияти юқори бўлган компанияларда ҳамда молиявий муссасаларда қўлланилади. Айниқса, банкларда рискни бошқариш тизими корпоратив бошқарувнинг асосий бўғини ҳисобланади. Бундай ИТ-тизимлар компанияларда кредитларни таҳлил қилишга, операцион рискларни баҳолашга, келгусидаги ишлар ва харажатларни баҳолашга, рискни бошқариш бўйича ҳисботларни тузишга, ва бунинг натижасида, менежерларга янги ва аниқ маълумотлардан фойдаланиб, оптимал қарорларни қабул қилишга имкон беради. Мазкур тизимлардан тўлақонли фойдаланиш учун маҳсус корпоратив ИТ-инфратузилмалар яратилган. Ахборот хавфсизлигини таъминловчи ИТ-тизимлар ҳам компанияларда ички назоратни олиб боришда муҳим роль ўйнайди. Улар орқали компанияда корпоратив маълумотлар ва ахборотларни ҳамда тижорат сирларини махфий сақлаш, директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан ахборот хавфсизлигини қатъий назорат қилиш амалга оширилади.

Бундан саноатни ривожлантириш соҳасидаги стратегиялар дунёнинг турли минтақалари: Евropa Иттифоки, АҚШ ва Осиёда, жумладан, Германия, Хитой, Бразилия, Япония, Буюк Британия, Эстония, Голландия, Ирландия, Швеция, Сингапур, Филиппин, Малайзия каби мамлакатларда, шунингдек энг иирик саноат компаниялари томонидан (масалан, Siemens, General electric, SAP, Intel) ишлаб чиқилган ва амалга ошириб келинмоқда.³¹ (2.1-жадвал).

³¹ <https://www.worldbank.org/en/publication/wdr2016> World Bank. World development report 2016: Digital dividends/World Bank group, 2016

2.1-жадвал

Мамлакатларнинг рақамли стратегия бўйича дастурлари³²

| Мамлакатлар | Стратегиялар | Қабул қилинган йили |
|-----------------|--|---------------------|
| Европа Иттифоқи | “Рақамли Европа 2020” | 2010 |
| Германия | “Саноат 4.0” | 2011 |
| Хитой | “Интернет плюс” | 2015 |
| Россия | “Интернет коммуникация тармоғининг Россия сегментини ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқларини ривожлантириш стратегияси” | 2015 |
| АҚШ | “Рақамли Стратегия 2020-2024” | 2018 |
| Сингапур | “Миллий сунъий интеллект стратегияси” | 2018 |
| Ўзбекистон | “Рақамли Ўзбекистон -2030 стратегияси” | 2020 |

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши нафақат иқтисодиётда, балки жамиятнинг ўзида ҳам туб ўзгаришларга олиб келади. Шундай қилиб, ахборот харажатларининг пасайиши туфайли рақамли технологиялар давлат, компаниялар ва жисмоний шахслар учун ижтимоий ва иқтисодий операциялар нархини сезиларли даражада пасайтиради, инновацияларни рағбатлантиради, бунда транзакция харажатлар деярли нолга teng бўлади, шунингдек самарадорликни кескин оширади: мавжуд фаолият ва хизматлар арzonроқ, тезроқ ёки қулайроқ бўлишига эришилади. Ниҳоят рақамли технологиялар интеграцияни осонлаштиради.³³

Рақамли технологиялар компанияларга савдо, инвентаризация, ишлаб чиқариш қуввати ва операцион жараёнларни янгича, яъни сон даражасида таҳлил қилишга имкон беради. Бу эса ўз навбатидакомпания маҳсулотларига, етказиб берувчилар ва харидорлар билан ўзаро муносабатларга ҳамда жараёнларни ташкил этишга нисбатан сифат жиҳатидан янги хуносаларга олиб келади.

³² <https://oecd.org/digital/>

³³ <https://review.uz/oz/journals/view/6-2022#dflip-flipbookContainer/89/>

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz)
3. Грачева М. Корпоративное управление – роль информационных технологий. // Журнал “Управление компанией”. – Москва, 2004. - №10
4. <https://www.worldbank.org/en/publication/wdr2016> World Bank. World development report 2016: Digital dividends/Word Bank group, 2016
5. <https://oecd.org/digital/>
6. <https://review.uz/oz/journals/view/6-2022#dflip-flipbookContainer/89/>

